



ХАВАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1996 йил, 26 январь № 4 (181) ●

Сотувда нархи эркин

ҚАРС ИККИ ҚўЛДАН

Мана, дўппини бир айлантургунча йил ҳам ўтиб кетди. Янги йил бошида ўтган йил натижаларини сарҳисоб қилиш ва истиқбол режаларни белгилаш аънанадир. Алоқа вазирлигида яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиллик ҳисобот йиғилиши ҳам шу масалага бағишланди.

Сир эмас, бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликлари барча соҳалар қатори турли нашрлар фаолиятини ҳам жиддий синовдан ўтказмоқда. Алоқачиларнинг ягона наشري — «Хабар» газетаси муҳарририяти жамоа саъй-ҳаракати ва вазирликнинг доимий гамхўрлиги туфайли муаммолар, қийинчиликларни ҳал қила бориб, йилни яхши якунлади. Газетанинг режалаштирилган 52 сони тўлиқ муштарийларга етказилди. Обуна мавсуми бу гал мураккаб бир шароитда ўтишига қарамай, ўтган йилги кўрсаткиччи (ўн минг нусха) сақлаб қола олдик. Эришилган энг катта натижа — тўрт йиллик фаолиятимиз давомида биринчи марта ўзимизни тўла маблағ билан таъминлай бошлаганимиз бўлди! Айни чоғда пул, маблағ билан ўлчаб бўлмайдиган кўрсаткичлар ҳам бор. Олдинги йилларга нисбатан тармоқ фаолиятини янада кенгроқ ва теранроқ ёритишга интиломдамиз. Эсимда, вазирликда фахрийлар билан ўтказилган учрашувлардан бирида кўплаб алоқачиларнинг устози, хурматли Ҳожиа опа Маҳкамова «Мен тармоқ ва вазирлик фаолиятига доир ахборотлар, янгиликларни ўзимизнинг сеvimли «Хабар» газетаси орқали билиб бораман» деган эдилар. Бундай эътирофлар биз учун қадрлидир.

Ютуқлар чўнтакдаги нарса, ўзимизники. Замона талабини кўз олдимизга келтирсак, эришилган натижалардан қоника олмастлигимиз аён бўлади.

Хурматли Президентимиз Ислоом Каримов Самарқанд, Қашқадар вилоятлари сессияларида ҳамда Тошкентда оммавий ахборот воситалари раҳбарлари билан ўтказилган учрашувда матбуотимиз фаолиятидаги жиддий камчиликлар ҳақида гапираркан, жумладан, ислохотлар моҳияти чуқур таҳлил қилинмаётгани, ўтиш даврнинг қарама-қаршиликлари, гоёлар кураши ўз ифодасини топа олмаётганини кескин танқид қилди. Юртбошимизнинг ҳаққоний фикр-мулоҳазалари биз учун муҳим дастуруламалдир. Масалалар шу нуқтадан назардан қарайдиган бўлсак, асосий муаммолар нималарда кўринади?

Тан олиб айтиш кераки, ҳали-ҳамон фаолият майдонимиз бирмунча чекланган. Вилоятлардаги алоқа идораларининг иши ҳақида кам ёзилади; жойлардан хат-хабарлар, материаллар жуда оз миқдорда келмоқда. Пойтахтдаги орхона ва муассасалар ҳақидаги материалларда ҳам теранлик, чуқурлик етишмайди.

Тўғри, тармоқ газетасининг имкониятлари бироз чекланган. Вилоятларда махсус муҳбирларимиз йўқ. Корхона раҳбарларини бу масалада ёрдам беришга, жамоатчи муҳбирларни жалб этиш

учун кўмаклашишга ундаш, афсуски, натижа бермаётир. Айрим масъулиятсиз раҳбарлар қайта-қайта қилинган илтимосларга қарамай, корхоналаридаги янгиликлар, муаммолар ҳақида муҳарририятни бир оғиз хабардор қилиб қўйиш у ёқда турсин, бу ҳақда газетага ёзилишини негадир исташмайди ҳам: «Ҳали ёзишга арзийдиган иш қилганимиз йўқ!», «Ёзган билан бирон нарса ўзгарармиди?» ва ҳ.з.о...

Шундай раҳбарларга қарата: «Наҳотки сизда ҳамма иш бир маромда, сип-силлик кетаётган бўлса? Наҳотки ҳеч қандай муаммо, қийинчилик йўқ? Наҳотки газета орқали айтишга арзийдиган бир оғиз гапингиз йўқ? Ахир тармоқ газетаси нима учун ташкил этилди?» дегинг келадди. Менимча, ҳамма ишқал матбуотнинг аҳамияти, таъсир кучи ва вазифасини яхши англамасликдадир.

Матбуотни «тўртинчи ҳокимият» деб беҳиз айтишмаган. У муаммоларни бир зарб билан ҳал қилиб бермаслиги (бу шарт ҳам эмас) мумкин. Аммо у одамларни хабардор қилиш, ахборот бериш, жамоатчилик фикрини уйғотиш орқали ана шу муаммоларнинг тезроқ ва созроқ ҳал этилишига кўмаклашади. Матбуот тарихида бунга мисоллар кўп. Шу оддий ҳақиқатни тушунмаслик раҳбарнинг ҳақиқий савияси, маданий даражаси қандай эканлигини кўрсатади.

Айрим раҳбарларга эслатиб қўйишимиз лозим бўлган яна бир масала бор. Бу газета саҳифаларида чоп этилаётган танқидий материалларга муносабатдир. Тўғри, танқидни ҳазм қилиш, хатони тан олиш осон эмас. Асосли танқид умумий ишга ёрдам беради. Жамоамиз фақат соғлом, асосли танқид тарафдори. Каминга бу ўринда масаланинг бошқа жиҳати га тўхталмоқчиман. Негадир баъзи корхона раҳбарлари эслатиш ва илтимосларга қарамай, газетада чоп этилган танқидий материалларга ўз вақтида ёки умуман расмий жавоб бермаяптилар.

Муассисимиз — Алоқа вазирлиги раҳбарияти юқоридаги муаммоларни бартараф этиш баробарида тармоқ ҳаётини яна кенгроқ, теранроқ ёритиш, жойлардаги мутахассисларни алоқа техникаси янгиликлари билан таништириб бориш вазифасини қўймоқда. Бунинг учун ойда бир марта газета саҳифаларини кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Юқоридаги вазифаларни бевосита вазирликнинг яқиндан ёрдами, корхона ва муассасалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш орқалигина удалаш мумкин. Қарс икки қўлдан!

Юртбошимиз янги — 1996 йил хайрли келишига ишонч билдириди. Йил бошида қилинган эзгу тилаклар ижобат бўлажақдир. Яхши ниятлар ҳаммаша йўлдошимиз бўлсин.

МУҲАРРИР



Тошкентдаги халқаро почтаамтда намунали алоқа хизмати йўлга қўйилган.

СУРАТДА : операторлар К. Ҳасанов ва С. Эшмухамедовлар.

Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ОЛАМДА НИМА ГАП?

* Янгиликлар * Воқеалар * Хабарлар

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов 23 январь куни Исроил давлатининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси Моше Гецини қабул қилди.

● Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Райнхарт Биндзайл 23 январь куни Президент Ислоом Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

● 23 январь куни республика Вазирлар Маҳкамасида галла ва пахта етиштиришнинг 1995 йилги якунлари ҳамда бу борадаги 1996 йилги режалар, шунингдек, ҳўхалик ва корхоналар, ишлаб чиқарувчилар билан истьёмолчилар ўртасида шартномалар тузиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ҳокимлари, вазирликлар, кўмиталар, концернлар, уюшма ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишини Президент Ислоом Каримов бошқарди.

● Халқаро «ЭКОСАН» жамгармаси, республика болалар бадий ижоди маркази ҳамда «Народное слово» газетаси ҳамкорлиқда ташкил этган ёш рассомларнинг «Орол — болалар нигоҳида» кўрмк-танлови якунланди.

● Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат Университетида иктидорли ёшларга мўлжалланган лицей-интернат очилди.

● Кримда мухторият ташкил этилганлигининг беш йиллиги нишонланди.

● Бошқирдистонда яна йирик экологик фалокат юз берди. «Салаватнефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасида авария оқибатида 2 кубометр финол оқиб кетган. Бу захарнинг бир грами бир микр кубометр сувни захарлайди.

● Чеченistonдаги мураккаб вазият Россия оммавий ахборот воситалари диққат марказида турибди. «Труд» газетасида қонли воқеаларга чек қўйишнинг энг мақбул йўли — вазиятни уруш билан эмас, балки сиёсий жиҳатдан ҳал этиш кераклиги таъкидланади. «Известия»да эса Қизлар ва Первомайскадаги воқеалар Россия ҳаётида «заифлик ва шармандалиқ»дир дейилди.

● Ҳиндистоннинг Марказий қидирув бюроси (МКБ) мамлакат ҳукуматининг олти нафар аъзосини яқин кунларда порахўрлик ва мансабни суиистьёмол қилишда айбланиши мумкинлиги ҳақида баёнот берди.

● Польшанинг собиқ президенти Лех Валенса Гданьск кemasozлигида электрчи бўлиб ишлашга қарор қилганлигини айтди.

ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ЯХШИЛАНАДИ

Сирдарё вилотида Жанубий Кореянинг «ДЭУ-телеком» корпорацияси билан ҳамкорлиқда бунёд этилган АТС фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

40 минг телефон рақамига эга бўлган 17 та телефон станциясида созлаш ишлари мuddатидан илгари якунланди. Энди Гулистон, Янгийер, Шишин, Сирдарё ва Бахт каби шаҳарлар ягона телефон тармоғига бирлашади. Узоқни яқин қўйиш бундай беминнат хизматнинг яхши йўлга қўйилаётганидан аҳоли мамнун. Бу ишларда корейлик мутахассислар яқиндан ёрдам кўрсатишди.

Вилоят электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бош муҳандиси Соҳиб Умаровнинг таъкидлашича, йил охирига қадар Гулистонда телефон абонентлари яна 3,5 мингтага, вилоят бўйича эса 8 мингтага кўпайтирилади.

«Ўзбектелеком» концернида 1995 йил якули ва 1996 йил вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Алоқа вазири ўринбосари А. Х. Жўрабоев, республика алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитасининг раиси Т. Н. Назаржон, Давлат алоқа назорати бошлиғи Ш. Ш. Исломов, Тошкент телефон-телеграф станцияси бошлиғи М. Ш. Зоҳидов ва электралоқа корхоналари раҳбарлари иштирок этишди. Йиғилишда «Ўзбектелеком» концерни раиси Т. М. Бикметов концерн корхоналарининг 1995 йил иш якули ва 1996 йилдаги вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Маърузада «Ўзбектелеком» концерни ва унинг корхоналари учун 1995 йил ҳуқуқатимиз томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача тараққий эттириш ва ривожлантириш Миллий дастури» рақамли узатиш тизимлари ва коммутиция ускуналари асосида аҳолининг алоқа хизматида бўлган талабини тўлиқ қондира оладиган миллий телекоммуникация тармоғини яратиш йўлида асосий йўналишларни аниқлаб берганини таъкидланди. Ҳақиқатан 1995 йилда концерн корхоналари томонидан 3801 миллион сўмлик хизмат

кўрсатилди, бу умумий даромаднинг 23,8 фоизини ташкил этди. Концерн корхоналарида рентабеллик даражаси 47,7 фоиз бўлиб, ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 1666 сўмни ташкил этди.

Шаҳар ва қишлоқ телефон тармоқларида йил бошидагиғи нисбатан асосий телефон аппаратлари сони 3,2 мингтага камайган. Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Сирдарё, Бухоро

да жойлардаги корхоналар ҳам ўз дастурларини қабул қилиб, шу асосда иш олиб боришди. Сифат дастурига мувофиқ Асака — Андижон йўналишидаги кабел магистрални қуриш ишлари тугалланмоқда. Бўка — Зафар — Бекобод йўналишидаги кабел магистрალი техник ҳолатини аниқлаш мақсадида ўлчовлар ўтказилди. Шунингдек, халқаро телефон алоқаси бўйича бирмунча ишлар амал-

2048 рақамли АТСлар ва бир қатор вилоятларнинг шаҳар-қишлоқларида автомат-телефон станциялари ишга туширилди.

Концерн ўтган йилда чет эл фирмалари билан ҳамкорликда иш олиб боришга алоҳида аҳамият берди. Жанубий Кореянинг «ДЭУ», Германиянинг «Алкател Сел РФТ», «Никола Тесла», «Сименс», Япониянинг «ЭЙ-ТИ-ТИ» фирмалари билан

ларни уддалаш ҳамда 1293 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини баҳарлаш лозим. Бунинг учун концерн 1996 йил режасига мувофиқ 2213 миллион сўм миқдорда маблағ керак бўлади.

Йиғилишда концерннинг Марказлаштирилган жамғармасида 1995 йилги ўзаро ҳисоб-китоблар ва 1996 йилда Марказлаштирилган жамғармани шакллантириш режалари (маърузачи — «Ўзбектелеком» концерни раиси ўринбосари И. И. Исроилов), Транс-Осиё-Европа магистрალი қурилишининг бориши (маърузачи — «Ўзбектелеком» концерни раиси ўринбосари Р. А. Юнусов) тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама қилинди. Қурилган масалалар муҳокамаларида Алоқа вазири ўринбосари А. Х. Жўрабоев, Бухоро вилояти давлат электралоқа корхонаси бошлиғи И. Р. Чакидзе, Наманган вилояти давлат электралоқа корхонаси бошлиғи Х. С. Нурматов, Сирдарё вилояти давлат электралоқа корхонаси бошлиғи В. В. Ҳам ва бошқалар сўзга чиқишди.

Муҳокама қилинган масалалар ўзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

А. АБДУРАҲМОНОВ

ИШДА СИФАТ ВА УНУМ БЎЛСИН

вилоятларидаги давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхоналарида асосий телефон аппаратлари сони кескин камайиб кетган. Катта ҳажмдаги капитал таъмирлаш ишлари Тошкент, Бухоро, Самарқанд давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхоналарида баҳарийда таъмирлаш материаллари билан тўлиқ таъминланмаганлиги сабабли концерн бўйича капитал таъмирлаш режаси тўлиқ bajarилмай қолди.

Концерн кенгаши томонидан тасдиқланган «Алоқа сифатини ошириш дастури» асоси-

га оширилди, жумладан Францияга алоқа канали очилди, АҚШга алоқа канали кўпайтирилди. Покистон, Жанубий Корея, Сингапур, Индонезия давлатларида телевидение кўрсатувларини узатиш ишлари амалга оширилди.

Ҳақиқатан 1995 йилда «Ўзбектелеком» корхоналари томонидан 33096,0 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, Бекобод шаҳрида 4000 рақамли, Искандар қишлоғида 800 рақамли, Зарбдор тумани марказида 724 рақамли, Фарғона вилоятида 6300 рақамли, Янги — Нишон шаҳарчасида

амалий ишлар олиб борилди ва бу ҳамкорлик 1996 йилда ҳам давом эттирилди.

«Ўзбектелеком» концерни олдида 1996 йилда электралоқа корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, 197,0 минг рақамга мўлжалланган АТСни ишга тушириш, эскирган станцияларни қайта таъмирлаш, ишга толал қабелга асосланган Транс-Осиё-Европа магистралда қатор ишларни амалга ошириш каби муҳим вазифалар турибди. Шу билан бирга 1996 йили Миллий дастурда кўзда тутилган вазифа-

НИЯТИМ — ИШОНЧНИ ОҚЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан ўтган йили Тошкентда Давлат ва Жамият қурилиши Академияси ташкил этилган эди. Академия тингловчилари орасида Алоқа вазири Иқтисод ва давлат мулкни бошқариш бўлими бошлиғи М. МАҲМУДОВ ҳам бор. Мухбиримиз у кишига бир неча савол билан мурожаат қилди.



— Махсум Мубоширович, сиз алоқачилар орасидан биринчи бўлиб ушбу Академиянинг тингловчиси бўлдингиз. У ердаги ўқув жараёни, шарт-шароитлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Алоқа вазирилик менга ишонч билдирди, Академияга йўлланма берди. Иккита сўхбат ва 5 та фан бўйича тест синовлари топшириб,

Академия тингловчиси бўлдим. Ўқиш муддати ўн ой, ўқув дастурлари шунга қараб тузилган. Ўқиш тугагандан сўнг магистрлик дипломи берилди.

— Академияда қандай факультетлар бор, қайси фанлар ўқитилади?

— Бу ерда «Давлат ва жамият қурилиши» ҳамда «Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари» факультетлари фаолият кўрсатмоқда. Мен иккинчи факультетда таҳсил олаёяпман. Ўқиш жараёни халқаро олий ўқув юртлари андозалари бўйича олиб боришмоқда. Ўқув хоналари компьютерлар ва хорижий тилларни ўқитиш воситалари билан жиҳозланган. Академиямизда иқтисодий фанлар ва чет тиллар чуқурроқ ўргатишмоқда. Бизга етук олимлар билан бирга хорижий давлатлар элчиҳона ходимлари ҳам маърузалар ўқишяпти. Билимларни мустаҳкамлаш мақсадида ҳар ойда тест синовлари ўтказилади. Тингловчиларни келгусида чет эл компаниялари, фирмалари ва республикамиз корхоналарида амалиёт ўташлари кўзда тутилган.

— Академияни тугатгандан кейинги ниятларингиз?

— Аввало Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотларни жадаллаштиришга қўлимдан келганча қўмаклашиш, қолаверса, Алоқа вазирилик раҳбарияти билдирган ишонччи оқлашга ҳаракат қиламан.

Сўхбатдош И. АҲМЕДОВ



Тошкент Электротехника алоқа институтининг замонавий электрон ҳисоблаш марказида талабалар компьютерда ишлаш сирларини пукта ўрганишмоқда.

САРҲИСОБ

«Тошкент почтаси» давлат ишлаб чиқариш корхонасида ўтган йил якули ва 1995 йил вазифаларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон почтаси» концерни раисининг биринчи ўринбосари М. Раҳматуллаев, Республика матбуот тарқатиш мар-

уйлари, шифохоналарда бўлишиб, ўз соғлиқларини тиклашди. Шайхонтоҳур алоқа бўлими ходимига уч хонали уй беришди. Қатор алоқа бўлимида қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди. Аммо эришилган ютуқларга қарамайдан ҳамон баъзи алоқа бўлимида

рида аҳоли, ташкилотларга хизмат кўрсатишда ихобий ўзгаришлар сезилмаяпти. Масалан, 2, 3, 94, 180-алоқа бўлимида 1995 йилни жуда паст сифат кўрсаткичлари билан якунлашди.

Йиғилишда Чилонзор тумани алоқа тармоғининг бошлиғи С. И. Содиқов, 97-алоқа бўлими почтасини Р. Виттошикова, Тошкент шаҳар тақсофон тармоғи бошлиғи А. Ю. Павленков, 11-алоқа бўлими бошлиғи С. С. Мўминова ва бошқалар сўзга чиқишди. Йиғилиш сўнггида илгор почта ходимлари корхонанинг Фаҳрий Эриғи ҳамда пул мукофотлари топширилди.

К. СОЛИЕВ

ТЕЛЕСТУДИЯ ИШ БОШЛАДИ

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида телестудия фаолият кўрсата бошлади. «Иқбол» деб номланган дастлабки дастурий кўрсатув ЎзХДП туман кенгаши фаолларининг партия нуфузини оширишга бағишланган давра суҳбати билан бошланди. Телестудия ўз кўрсатувларининг ранг-баранглигига эришиш йўлини изламоқда.

«Хабар» газетаси жамоаси газетанинг жамоатчи муҳбири Абдурахмон Жўраевга отаси Алибой Жўраевнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ШАБРИКЛАЙМИЗ!
Андижон шаҳар почтамти бошлиғи Юлдузхон ЭГАМБЕРДИЕВни 40 ёшга тўлиши билан чин дилдан табриклаб, келгуси ишларида муваффақият, узок умр тилаймиз.

КОРХОНА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 19 январь сони 2-саҳифасида чоп этилган «Оммабоп уяли радиолоқа тармоғини яратиш ва ундан фойдаланиш ҳақида йўриқнома»даги юқоридан ўнчи устуннинг 23 қаторидаги «кам бўлса» сузи «кам бўлмаса» деб ўқилсин.

